

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2018
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА

Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш..... 73

ТИЛШУНОСЛИК**К.КАРИМОВ**

Маданиятларо мuloқot ва таржима муаммолари..... 76

У.НОСИРОВА

Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари 80

Н.АХМАДЖОНОВ

Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир 83

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА**

Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари 86

ИЛМИЙ АХБОРОТ**А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА**

Коэффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала..... 89

Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА

Векуа-Эрдей-Лоундес типидаги янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида..... 92

Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ

Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин..... 94

А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ

Шайх Акбар (Улуг Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар 97

У.НАЗИРОВ

Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари..... 100

А.КОСИМОВ

XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари)..... 102

Д.ХУСЕНОВА

Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги 105

А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА

Концептнинг тоифалари..... 108

К.ХОДЖАХАНОВА

Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари..... 110

Б.ҚУРБОНОВА

Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари..... 113

Н.МЕРГАНОВА

Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти..... 115

Э.ДЖАББАРОВА

Модуляр таълим инновацион таълим сифатида 118

И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ

Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари 121

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Ибратли ҳаёт йўли..... 124

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография..... 127

ҮҚУВЧИ-ЁШЛАР МАҢНАВИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ТАСВИРИЙ САНЬАТ ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ

Б.Қурбонова

Аннотация

Мақолада үқувчи-ёшларнинг маңнавий тарбиясида тасвирий санъат омилларининг аҳамияти тұғрисида фикр юритилади.

Аннотация

В данной статье отражается значение факторов изобразительного искусства в духовном воспитании учащейся молодёжи.

Annotation

This article reflects the essence and significance of the fine arts in the spiritual education of students.

Калит сүз ва иборалар: рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, графика, маңнавият, маърифат, демократия, қадрияят.

Ключевые слова и выражения: живопись, скульптура, графика, духовность, просветительство, демократия, ценности.

Keywords and expressions: painting, sculpture, graphics, spirituality, enlightenment, values.

Тасвирий санъат – рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, графикани бирлаштирган нағис санъат түрі бўлиб, воқеликда кўзга ташланадиган фазовий шакллардаги образларни қамраб олади. Шунингдек, тасвирий санъат фақат кўриш мумкин бўлган нарсаларнига тасвирлаб қолмай, балки асарларида ҳодисаларнинг вақтинчалик ривожини, унинг у ёки бу қисмини, эркин ҳикоянавислик, динамик ҳаракатларни ҳам акс эттириб, дунёни ғоявий ўзлаштириш имкониятларини кенгайтирадиган омилdir.

Санъат қайси кўринишда бўлмасин, хоҳ мусиқа санъати бўлсин, хоҳ тасвирий санъат бўлсин, ўз таъсир имкониятлари билан ўқувчи ёшларга маңнавий, эмоционал ва бадиий-эстетик тарбиявий завқ бағишлайди.

Ўқувчи ёшлар тафаккурида юксак маңнавиятни шакллантириш, уларни ҳар томонлама ривожланган юксак ахлоқ соҳибига айлантириш долзарб педагогик масалалардан биридир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда интегратив таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда миллий маңнавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди [1.147]. Чунки, тасвирий санъат барча санъатлар каби халқлар тарихини ўрганишга хизмат қилади.

Тасвирий санъат фанларини интерактив асосда ўқитиш ёшлар маңнавиятини миллий қадриятлар

негизида шакллантиришда катта ижобий натижаларга олиб келишини таҳлиллар асосида таъкидламоқчимиз. Бинобарин, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятияга” ўтиш шароитида ўсиб келаётган ёш авлод маңнавиятини тасвирий санъат орқали шакллантиришга эҳтиёж сезилади. Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларнинг маңнавияти, психологияси ва тасаввурларини давр маданиятидан, тасвирий санъатдан ташқари ҳолда англаб булмайди. Тасвирий санъат, аввало, ёшларнинг тафаккур тарзи, ўз-ўзини англаш имкониятлари, тасаввур этадиган оламини образларда акс эттиради ва уларнинг маңнавий- маърифий жиҳатдан ривожлантиради. Яъни тасвирий санъат дарсларининг таълим-тарбия жараёнини мамлакатимиз ва хорижий мамлакат рассомларининг турли мавзудаги бадиий асарлари орқали таҳлил этганимизда, уларнинг композицияси билан боғлиқ материалларни ижодий тарзда ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш айниқса муҳимdir.

Тасвирий санъат асарларининг кенг оммага кучли таъсир этиш омиллари, ижтимоийлиги шунда намоён бўладики, у нафақат жамият ҳаётини бадиий образлар орқали акс эттиради, балки шу билан бирга, жамият томонидан тасарруф этилиш жараёнида ёшларнинг тафаккурига

Б.Қурбонова – ФарДУ педагогика факультети катта ўқитувчиси.

мақсадли таъсир этади. Зеро, тасвирий санъат ўз моҳият-эътибори билан шахснинг ички оламига таъсир этиш орқали амалга ошириладиган бадиий-хиссий жараён бўлганлиги боис, ушбу фаолият бошқа барча фаолият турларидан ўта долзарб эканлигини таъкидлаймиз.

Буюк файласуф Аристотель айтганидек, “Барча кишилар санъат асарларини кўриш ва эшиши имкониятига эга, бироқ ундан маънавий завқ ола билиш фақатгина маънавий маданияти юксак шахсларгагина хосдир” [2.7], деган фикр бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида тасвирий санъат асарлари ғоявий моҳияти, тузилиши, амал қилиш шакли ва усулларига кўра ижтимоийдир. Тасвирий санъат асарлари таҳлили асар мазмунининг фалсафий-бадиий намоён этилишида ва педагогик-психологик жиҳатдан кузатиш орқали амалга ошади. Таҳлил орқали ўқувчиларнинг маънавий-эстетик олами намоён бўлади.

Бу борада мазкур жанрда самарали ижод қилаётгандар орасида Л.Салимжонова, А.Мўминов, С.Абдуллаев, И.Хайдаров, О.Қозоқов, F.Абдураҳмонов, А.Мирсоатовларнинг ижодий фаолиятларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Уларнинг асарларида Ватан жамоли, унинг жаҳонга машҳур олиму фузалолари, табиат эҳсонлари ифодаланган бўлиб, бу асарлар ёшларни Ватанини севишга, уни аср-авайлашга, унинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришга ундейди, табиатдаги нафосатдан завқланишга чорлайди [3.73].

Демак, фуқаролик жамиятига янгича фикрлайдиган, демократик қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакат келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўра оладиган, ёшларнинг дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишишларига аҳамият қаратмоғимиз

зарурдир. Қадимдан энг буюк бойлик бўлган маънавият ва маърифатнинг маъномазмумни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тасвирий санъат асарларида етарли даражада таҳлил қилинса, ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва мафкуравий дунёқарашини шакллантиришга самарали хизмат қилиши шубҳасиз.

Буни биз қуйидаги тажриба синов ишлари орқали исботлашга ҳаракат қилдик. Тажриба- синов ишларини умумий ўрта таълим мактабининг 6-синф ўқувчиларининг тасвирий санъат фани машғулотида ўтказилди. Синфда жами 24 нафар ўқувчи бўлиб, шундан 12 нафари машғулот жараёнида бадиий тафаккурни англашни яхши ва аъло даражада, 12 нафари қониқарли ҳамда паст ўзлаштириди. Шу нуқтаи назардан яхши натижага эриша олмайдиган ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтда қўшимча тўгарак машғулотларини олиб бориб, расм чизиш орқали бадиий-эстетик таълим-тарбияни ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Тажриба, синов иши натижалари шуни кўрсатдики, синфдаги ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларнинг бадиий тафаккур ҳақидаги тушунчалари қўшимча машғулотларда расм чизиш қонун-қоидлари, рассомларнинг асарларини бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳақидаги билим ва қўнималарини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи ёшларни маънавий тарбиялашда умумтаълим мактабларида ўтиладиган тасвирий санъат фанлари муҳим бўлиб, унинг омилларидан ўринли фойдалана олсаккина ўзининг ижобий самарасини беради. Шунингдек, барча санъат турлари каби тасвирий санъат ҳам ўқувчи ёшларнинг маънавиятини юксак даражада шакллантириш, такомиллаштиришда муҳим омил эканлиги сир эмас.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008.
2. Соҳор А.Н. Вопросы социологии и эстетики в музыке. – Л., 1980.
3. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. – Т.: Фоур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 2009.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).